



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2002 йил 5 март
Сотувда эркин нархда № 45 (2873)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзайнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунлари юзасидан

ҚЎШМА БАЁНОТ

2002 йилнинг 2-4 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тақлифига Бирноан Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзайнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди.

И.Каримов ва Ҳ.Карзай музокаралар ўтказиб, унда ўзбек-афғон муносабатларининг аҳволи, уларни ривожлантириш истиқболлари, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, можародан кейинги даврда мамлакатни қайта тиклаш ҳамда бошқа долзарб ҳалқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама этдилар.

Музокаралар дўстона, ўзаро бир-бирини англаш ва амалий муҳитда ўтди.

Томонлар ҳар икки давлат ва халқни асрлар давомидаги тарихий муштараклик, диний ва маданий қадриятлар боғлаб туришини таъкидладилар. Афғонистон замида Алишер Навоий, Абу Райҳон Беруний, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Машраб каби Шарқнинг буюк мутафаккирлари, ўрта аср давридаги давлат арбоблари ва бошқа улуг ақлодларимиз яшаб ижод қилганлар. Уларнинг номлари ва шарафли ишлари Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари учун бениҳоят қадрлидир.

Томонлар изчиллик билан ҳар томонлама яхши қўшничилик, биродарлик ва дўстона алоқаларни кенгайтириш ва мустақамлашга бўлган букилам иродаларини таъкидладилар ҳамда икки давлат ва халқнинг тўб манфаатларига жавоб берувчи турли соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари ва йўналишларини белгилаб олдилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон келажакда ҳам ўзаро манфаат, тенг ҳуқуқлик, бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик, чегаралар дахлсизлиги, худудий яхлитлик, суверенитет ва мустақиллиқни ҳурмат қилиш принципларига асосланган янада яқин ва изчил ҳамкорлик йўлида давом этишга мустақам ишонч билдирдилар.

Ҳ.Карзай Ўзбекистоннинг изчил ва принципиал сиёсати, хусусан, 20 йилдан кўпроқ давом этган қонли можарони ҳал этишга жаҳон ҳамжамиятини даъват этиб, Афғонистон масаласини ечиш бўйича аниқ ва муҳим ташаббуслар билан чиққани учун Ўзбекистон халқи ва шахсан Президент И.Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

Бу ўринда ҳар икки томон Афғонистон билан чегарadosh олти давлат — Эрон, Покистон, Хитой, Туркманистон, Тожикистон, Ўзбекистон ҳамда Россия ва Америка Қўшма Штатлари аъзо бўлган "6+2" мулоқот гуруҳининг ижобий ролини таъкидлаб ўтдилар. 1999 йилнинг июлида бўлиб ўтган Тошкент конференцияси ва унда қабул қилingan Декларация ижобий аҳамиятга эга бўлди.

Томонлар Афғонистондаги халқаро терроризм тизimini яқин қилиш бўйича Америка Қўшма Штатлари бошчилигидаги халқаро иттифоқни тўла қўллаб-қувватлашларини билдирдилар ва ҳар қандай шақлдаги халқаро терроризмга кескин қарши чиқишлари, бу ва бошқа трансмилий таҳдидларга қарши курашининг кенг қамровли тизимини яратишга жаҳон ҳамжамияти билан яқин ҳамкорлик қилишларини таъкидладилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон халқаро наркобизнесни жаҳон ҳамда минтақавий хавфсизлик таҳдиди миқдосини идрок этган ҳолда, БМТ ҳомийлигида Гибеванд молдаларни назорат қилиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича Департамент дастурлари доирасида Гибеванд молдаларни ноқонуний айлантиришга қарши курашда фаол ҳамкорлик олиб бордилар.

Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳ.Карзай афғон халқини инсонпарварлик ёрдами етказиб беришгаги ҳамкорлиги, сайё-ҳаракатлари ва амалий тадбирлари учун Ўзбекистон томонига Афғонистон халқи номидан миннатдорлик билдирди. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудуди орқали Афғонистонга инсонпарварлик юкларини етказиб беришда Амуларё кўприги ва Термиз дарё портидан фаол фойдаланилмоқда.

Томонлар Афғонистонни иқтисодий қайта тиклаш бўйича Бонн ва Токио конференциялари натижаларини юқори баҳоладилар.

Ўзбекистон Ҳ.Карзай раҳбарлигидаги Афғонистон Муваққат ҳукуматини ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва жаҳон ҳамжамиятининг можародан кейинги даврда мамлакатни қайта тиклаш, Афғонистонда ўз қўшнилари ҳамда халқаро ҳамжамият билан уйғунликда яшовчи давлат барпо этиш йўлидага сайё-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлаш ва бу жараёндарда фаол иштирок этишга тайёрлигини изҳор этди.

Томонлар Афғонистон ҳудудида саннат, ирригацион, қишлоқ хўжалиги иншоотларини қуриш, Ўзбекистон транспорт коммуникацияси инфраструктурасидан фойдаланиш, кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш каби соҳаларда ўзбек-афғон ҳамкорлигининг бой тажрибасини таъкидладилар ва икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларнинг ҳуқуқий асосини мустақамлашга интилишларини билдирдилар.

Томонлар савдо-сотикчи, шу жумладан, чегарабўйи савдосини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон ва Афғонистоннинг тижорат тизимлари ўртасида самарали ҳамкорлик ва мулоқотлар ўрнатилишига муҳим аҳамият бердилар.

Томонлар Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳ.Карзайнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи самарали натижалари муҳим боқич ҳисоблангани ва ўзбек-афғон ҳамкорлигининг кенгайтириш ва ривожланиши учун янги имкониятлар яратишга ишонч билдирдилар. Томонлар бундан кейин ҳам икки халқ манфаатлари йўлида дўстона муносабатларини мустақамлаш учун ҳамкорлик олиб борадилар ҳамда минтақдаги тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига ҳаракат қилдилар.

Ҳ.Карзай меҳмондўст ўзбек заминда курсатилган илиқ ва самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовга миннатдорлик изҳор этди.

2002 йилнинг 4 мартда Тошкент шаҳрида қабул қилинди.



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 март кuni Оқсаройда Афғонистон Муваққат ҳукумати раиси Ҳамид Карзайни қабул қилди

Меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз раҳбари у орқали Афғонистон халқига ҳурмат-эҳтиром изҳор этди.

— Зеро афғон халқи деганда, асрлар давомида биз билан ёнма-ён яшаб, ҳар томонлама алоқада бўлиб келган инсонларни тушунамиз, —

деди Ислом Каримов. — Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, жуда кўп синовларни, кўп мушаббатларни бошдан кечирган афғон халқининг иродаси букилгани йўқ. Узоқ йиллик ғам-ташвишлар унинг овоз ва фаровон келажакка ишончини сўндирмади. Қайд этмоқ лозимки, кўшни халқнинг ташвиши-

ни енгил қилишда Ўзбекистоннинг ҳиссаси катта. БМТ Бош ассамблеясининг сессияларида бу муаммага жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти қаратди. "6+2" гуруҳи тизимининг ташаббускори ҳам Ислом Каримовдир. Афғонистондаги аксилтерор операциясининг хар-

бий босқичи нихосига етгач, ўта оғир шароитда ҳаёт кечираётган афғонистонликларга ёрдам сифатида юборилаётган озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон ва бошқа зарур маҳсулотларнинг салмоқли қисми Ўзбекистон ҳудуди орқали ўтмоқда. Ўзбекистон муруват кўлини чўзишда ҳам четда қолаётгани йўқ. Хусу-

сан, Ҳамид Карзайнинг юртимизга ташрифи чоғида умумий баҳоси 350 минг АҚШ долларига тенг келадиган йигирмага яқин транспорт воситаси Афғонистонга берилди.

Меҳмон бундай кўпдан-кўп ёрдамлар, Афғонистон муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлаётгани учун Ўзбекистон раҳбарига са-

мимий миннатдорлик билдирди. Ўзбекистоннинг афғон муаммосига муносабатини, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш борасидаги халқаро ташаббуслари ва сайё-ҳаракатларини юқсак даражада қадрлашини таъкидлади.

Ислом Каримов кўп бор таъкидлаганидек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан, аввало, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳам манфаатдордир. Бу бизга катта-катта коммуникациявий магистраллар ва жаҳон бозорига чиқишининг муқобил йўлини очиб имконини беради. Учрашувда Ҳамид Карзай Афғонистон ҳам минтақамиз давлатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликка тайёр эканини ва бундан жуда манфаатдорлигини яхши англашини таъкидлади.

Сўхбат чоғида Афғонистондаги вазият, ушбу мамлакатни тиклаш ва ривожлантириш, икки томонлама муносабатларга кўламини кенгайтиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(Ў.А.)
СУРАТЛАРДА: қабул пайти.
Абдувоҳид ТУРАЕВ олган суратлар.

АФҒОНИСТОН МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ТАШРИФИ

масалаларига ҳам эътибор қаратди.

Ҳ.Карзай Афғонистонда халқаро террорчиликка қарши кураш сўғити босқичга кирганини айтиб, жиноятчи тўдалар деярли яқсон қилингани ва мамлакатда аста-секин тинчлик қарор топаётганини таъкидлади.

— Тан олдига керак, Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган урушнинг тугатилиб, тинчлик ва барқарор-

лик ўрнатилишида кўшни Ўзбекистоннинг муносиб ҳиссаси бор, — деди меҳмон. — Айниқса, бунда Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримовнинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентингиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар минбарларидан туриб, неча бор Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ташаббусларни илгари сургани барчага маълум. Жумладан,

Ислом Каримов ташаббуси билан тузилган "6+2" гуруҳининг Афғонистондаги сиёсий гуруҳлар ўртасидаги алоқаларни яхшилаш ва мамлакатда барқарорлиқни тиклаш борасидаги сайё-ҳаракатлари эътиборга молик. Бугун Ўзбекистон Афғонистон иқтисодий тизимини тиклаш ва афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

4 март кuni афғонистон-

лик меҳмонлар Ўзбекистон Олий Мажлисида бўлиб, парламент раиси Эркин Халилов ҳамда кўмиталар ва фракциялар вакиллари билан учрашди. Афғонистон делегацияси раҳбари йирилганларга Ўзбекистон-Афғонистон муносабатлари ва муваққат ҳукумат томонидан мамлакатда тинчлик ва барқарорлиқни мустақамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб берди.

Шу кuni пойтахтдаги ҳукумат қароргоҳида "ЎзДЭУавто" ва "СамКоч-авто" кўшма корхоналари томонидан Афғонистонга ажратилган инсонпарварлик ёрдамини топириш маросими бўлиб ўтди. Бу ёрдам ушбу корхоналарда ишлаб чиқарилган умумий қиймати 350 минг АҚШ долларига тенг 18 донга енгил ва юк автомобилларидан иборат.

Юртимизга ташрифи давомида афғонистонлик меҳмонлар Ўзбекистон музоамалари илораси ҳамда Тошкент шаҳар ҳоқимлигида ҳам бўлди. Шунингдек, Хотира майдонини зىёрат қилди.

Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай бошчилигидаги делегация 3 март кuni Ўзбекистон Бош вазирини ўринбосари Рустам Юнусов ва ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги тарихий алоқаларни тиклаш ва ривожлантириш, жумладан, йўл қурилиши, транспорт, илмий-маданий соҳалардаги ҳамкорликни раванк топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Томонлар минтақавий хавфсизлик, террорчилик ва диний экстремизмга қарши биргаликда курашиш

ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ПЛЕНУМИ

Олий хўжалик судида республика хўжалик судларининг 2001 йилдаги фаолияти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг йил якунлари таҳлида этилган йилги ишларда кўрсатиб ўтилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган пленуми бўлиб ўтди.

Унда Олий хўжалик суди раиси М.Абдураимова одил судловни амалга ошириш ва қонунчиликни мустақамлаш, бу борада хўжалик судлари фаолиятини янада тақомиллаштириш ва самарадорлигини юқсалтириш масалаларига тўхтади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг хўжалик юртувини субъектлар иқтисодий ноқдорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қучайтириш тўғрисидаги фармони асосида қонун бузилиши ҳолати юзасидан айбдорларга нисбатан қўланилган таъсир чоралари ўтган йилда нисбатан 53 фоиз ортаганлиги эътироф этилди. Қўп қонун бузилиши ҳолатларига йил якунида айбдор мансабдор шахсларга нисбатан 120 та жиноий иш қўзғатилиб, тегишли тақдирнома ва бошқа ҳужжатларга асосан 53 киши раҳбарлик лавозимидан озод этилди.

Пленумда жойлардаги хўжалик судлари йўл қўётган ҳаёт ва камчиликлар ҳам таҳлил этилиб, айрим иллатлар хўжалик судлари раислари кескин танқид остига олинди. У йилда соҳақомлик билан қараётган судларга нисбатан қатъий чоралар қўрилиши лозимлиги таъкидланди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
Ў.А. мухбири.

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИДА ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСЛОХЛАРИНИ БОШҚАРИШДА ХУДУДИЙ ҲАМКОРЛИК ЛОЙИҲАСИ АЪЗОСИ БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР — ЎЗБЕКИСТОН, ОЗАРБЕЙЖОН, ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН, ТОЖИКИСТОН ҲАМДА МЎҒУЛИСТОН ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОКИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОХЛАРНИ БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН НАВБАТДАГИ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур лойиҳада Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатларида таълим соҳасидаги ислохотларни янада жадаллаштириш, лойиҳада иштирок этувчи давлатлар билан молия муасасалари ўртасидаги ҳамкор-

ТАЪЛИМДАГИ ҲАМКОРЛИК

ликни чуқурлаштириш, таълим тизимидаги ижобий тажриба алмашувини кенг йўлга қўйиш вазифаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Осиё тараққиёт банки томонидан мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши ўтган ас-

ТАБИЙ РЕСУРСЛАР — БОЙЛИГИМИЗ

нинг 90-йиллари бошида Марказий Осиё ва Кавказорти мамлакатлари мустақиллиқни қўлга киритгандан кейин бошланган эди. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши натижаси ўлароқ Интернетда ушбу мамлакатларнинг таълим тизими ва шу соҳада ўтказилган ислохотлар ҳақида муфассал маълумот берувчи веб-сайтлар яратилди.

Хулқар СОДИҚОВА,
Ў.А. мухбири.

УЛУҒНОРДА ЗАР, МИНГБУЛОҚДА ЗАРАР

Ер — бебахор ҳазина. Унинг қалити меҳнатда, қаровини жойига қўйиб, самарали фойдалана билишда. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунлари бағишланган йилги ишларда кўрсатиб ўтилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда жойлардаги хўжалик судлари йўл қўётган ҳаёт ва камчиликлар ҳам таҳлил этилиб, айрим иллатлар хўжалик судлари раислари кескин танқид остига олинди. У йилда соҳақомлик билан қараётган судларга нисбатан қатъий чоралар қўрилиши лозимлиги таъкидланди.

ташкил этишига чидаб бўлмагани таъкидланди. Чиндан ҳам, Марказий Фарғона чўлиларида жойлашган мазкур уч туманининг шароит ва имкониятлари ўхшаш, ишчи қучлари, сув билан таъминланishi даражаси ҳам. Экинзорларининг аксилтерор натижаси сезилмаётгани, туман қоқоқлик гирдобига тушиб қолганидир.

Биргина 2001 йил якунлари, айтилди, Улуғнор билан Мингбулоқнинг иқтисодий кўрсаткичларида анчагина тафовут борлигини кўрсатади. Масалан, Улуғнорда пахтадан 29891 тонна хирмон кўтарилиб, шартнома режаси 102,6

фоиз уудаланган бўлса, катта йўлнинг бошқа томондаги Мингбулоқда режа 72,6 фоизда қолиб кетди. Еки мўлжалдагида 15,5 минг тонна кам ҳосил йиғиштириб олинди. Молиявий натижалар ҳам шунга яраша. Улуғнорликларнинг тармоқдан олган соф фойдаси 157 миллион 338 минг сўмни ташкил этди. Кўшни тумандагилар эса 830 миллион 738 минг сўм зарар билан чиқиди. Биринчи туманда бир центнер ҳосил учун 8323 сўм сарфланди, иккинчисида эса 11637 сўм.

Ҳақли савол туғилади: нима, Мингбулоқнинг ерлари ҳосил бермай қўйдими ёки одамлар меҳнатдан бешидимиз? Йил якунлари таҳлили қоқоқликнинг илдизи деҳқончилик маданияти уну-



тилиб, агротехника қондалари муттасил бузилиши, далада ишловчиликнинг орта, меҳнатга муносабати ёмонлашгани, раҳбар ва мутахассисларнинг масъулиятсизлигида эканлигини кўрсатди.

Чўлда ишлагани одам билди: шўроқ ерларни экишга тайёрлашнинг ўзига хос талаблари бор. Туз юзага чиққан майдонларнинг шўрини қайта-қайта ўрмай туриб, уруғни тўла ундириб олиш мушкул. Улуғнорда ишининг шу жиҳатига эътибор қучилиши ўз самарасини бермоқда. Туман хўжалиқларида ўн минг гектардан ортиқ шўрланган ерларнинг захини қочириб учун, аввало,

ВАЗИРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон муҳофазатига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгашининг кенгайтирилган расеат йиғилиши бўлди. Унда ташкилотнинг ўтган йилги иш фаолияти ва Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунлари бағишланган йилги ишларда кўрсатиб ўтилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган пленуми бўлиб ўтди.

Марказий кенгаш раиси А.Абдуқадиров бошқарган ушбу йиғилишда ўтган вақт давомида ташкилот томонидан мамлакат ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Қуролли Кучлардаги ҳарбий-техник мутахассислар ва халқ хўжалиги учун оммавий касбага ҳодимлар тайёрлаш, шунингдек, спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турларини янада ривожлантириш борасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди.

Шу билан бирга, бу бордаги камчилик ва нуқсонлар таҳлил этилди, уларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

(Ў.А.)

ДИҚҚАТ: БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

АЛЛО, СИЗНИ ҚЎМИТА РАИСИ ЭШИТАДИ!

Мухтарам «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетасининг! Шу йил 12 март кuni соат 10.00 дан 12.00 гача сизлар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ботир ХЎЖАЕВ телефон орқали мулоқот саатлари ўтказолади.

Агар солиқ билан боғлиқ саволларингизга шахсан қўмиита раисидан жавоб олмақчи бўлсангиз, ўша кuni куйидаги рақамли телефонларга қўнғироқ қилинг: (8-371) 144-89-29, 144-44-51.

Мабодо қўмиита раисига берилажак саволларни олдиндан етказмоқчи бўлсангиз, иш кунлари соат 10.00 дан кеч соат 18.00 гача бевосита тахририятимизга факс орқали (8-371-133-09-85) йўллашнинг ёки (8-371) 132-10-65 рақамли телефон орқали баён этишнинг ҳам мумкин.

БЕВОСИТА МУЛОҚОТГА МАРҲАМАТ!

Соғлом она — соғлом фарзанд

АЁЛЛАР олдидаги бурчимиз

Очиқ айтиш керакки, биз узок вақт демография масалаларига унчалик эътибор бермай келдик. Шўро тўзуми даврида «мода» бўлган ангина-чилик, турсуновчилик аслида аёлларда аёллик фазилатларини йўқотишга олиб келди. Тоталитар сиёсат нафосат, гўзаллик, илоҳий рамзи бўлган нафис жинс вакиллари ўз мақсади йўлида қурбон қилишдан сира иккиланмади. Эркаклар билан шахталарда кўмир қазинган, эксковатор ҳайдаган, аямажиз қишда шугор қилган, жазирама қилган, далада гўзага ишлов берган, пахта терган аёлларни кўларга кўтариб мақташ расм бўлганди. Буни қарангки, тузум учун аёлнинг соғлиғи, эртанги ҳаёти, фарзанд кўриши катта аҳамиятга эга эмасди. Ҳама нарсасиёсат учун, шов-шув учун, режа ва топшириқни бажариш учун хизмат қиларди.



Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Юртбошимиз миллат тақдирини аниқ шаклида баъзи ҳолатларга чек қўйди. «Оналар ва болалар йили», «Соғлом авлод йили» дастурлари шўро тўзуми йўли бўлган қатоларни тўғрилашга хизмат қилди.

Юртбошимиз «Она, рафиқа, қиз — бу сўзлар бизнинг ҳақимиз учун азал-азалдан Ватан, оила, меҳрибонлик, садоқат каби муқаддаслик» деганларидан минг бора ҳақ. Мана, яқинда эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг Вазири Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир кўрсаткичлар чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ўзининг моҳияти эътибори билан яна бир тарихий воқеа бўлди. Эндикки оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, зурриёт ёшида аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида касалланиш ва ноиронликнинг олдини олиш масалалари

274 та учрашув ўтказилди. Гулистон, Ширин, Янги-ер шаҳарлари ҳамда туманларнинг марказий шифохоналарида оналар ва болалар саломатлигини тиклаш бўлими муваффақиятли ишлаб турибди.

Вилоят болалар шифохонаси яқинда тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Бу ерда 150 нафар ўсмирга тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратилган. Шифохона қошида йигит ва қизлар саломатлигини тиклаш мақсадида «Ўсмирлар репродуктив ўқув-ўқувий даволаш маркази» очилди. Утган йили ва 2002 йилнинг икки ойи давомида бу марказда 5022 нафар йигит ва қизлар даволашнинг натижаси бўлди.

Вилоятнинг даволаш-профилактик муассасаларида 32 та «Ёш оналар» мактаби ишлаб турибди. Шу мактаблар орқали минглаб аёлларга, она бўлиш ёшидаги қизларга ва йигитларга «Онаниз соғлом бўлиш», «Балоғат даври», «Кўкрак сўти билан эмизиш», «Туғруқлар орқали», «Янги ҳаёт яратиш» каби мавзуларда минглаб нусxada рисола ва буклетлар тарқатилди.

Мазкур қарор вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарлари, мутахассислари ҳамкорлигида жиддий ўрганиб чиқилиб, аниқ ҳаракат дастури қабул қилинди. Эндикки даволаш асосан шахар ва қишлоқ жойларда аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлаш янада яхшилашга қаратилган ўнлаб тадбирлар амалга оширилди. Она соғлом бўлса, соғлом бола дунёга келади. Бунинг учун бошқармаиз мактаблар ва спорт муассасалари, ҳарбий комиссариат ва ҳокимликлар билан қўшни-қўлга бериб ишлашни энг маъқул йўл деб биларди.

Касалликларни аниқлаш, уларни даволаш, аёллар ва ўсиб келаётган болалар билан тиббиёт масалаларида очиқ ва самимий мулоқотлар ўтказиш, бу ишга энг малакали мутахассисларни жалб этиш муваффақиятлар гаровидир.

Зеро ўз аёлини, ўз фарзандини асраган юрт, аввало, ўзини асради ва ўз келажагини яратди.

Фарход ШЕРНАЗАРОВ, Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

«Ташаббус — 2002» Ғолиблар аниқланди

Мамлакатимиз иқтисодий иқсодий юксалтириш учун кичик ва ўрта бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётган хусусий тадбиркорлар кўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиб келинмоқда. Ана шу соҳада ишлаётган одамлар меҳнатини одамли рағбатлантириш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишнинг янги-янги имкониятларини кидириб топиш бугунги куннинг асосий талабига айланди.

Шу мақсадда мамлакатда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳукуқий асосларини кенгайтириш, қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди. Президентимиз соврини учун ҳар йили ўтказиладиган аниқлаш «Ташаббус» кўрик-танловлари эса тадбиркорларни рағбатлантириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда ўзига хос омил бўлаётди.

Пойтахтимизда ана шундай кўрик-танловнинг шаҳар босқичи якунланди. Унда Тошкентнинг барча туманларидан вакиллар иштирок этди.

Иштирокчилар ўз маҳсулотларини намойиш этиш билан бирга иқтисодий билимлари бўйича тест саволларига жавоб қайтардилар. Ҳамза туманидан Ш.Шоҳмаданов «Энг яхши умумий» ва Яқсабиров Б.Мирҳабиров «Энг яхши тадбиркор» деб топилди.

Навокат **УСМОНОВА,** ЎзА муҳбири.

The CENTER FOR DEVELOPMENT RESEARCH is an international and interdisciplinary research institute at the University of Bonn, Germany.

The Department of Political and Cultural Change offers:

Two PhD research positions

for Uzbek candidates, integrated into a large-scale research project on agricultural and institutional reform in Uzbekistan. Research areas are:

- Land tenancy
- National, regional and local water administration and use
- Agricultural producers situation

Candidates should have a background of scientific excellence in law, political science, sociology, ethnological studies or other social science. Candidates are expected to be competent to work with empirical methods and analyse institutions systematically. Proficiency in English is conditional. The project involves extensive field research in Uzbekistan.

Applications should include a CV, copies of university degrees, a list of publications and (for applicants for the senior position) two single-authored book chapters or journal articles. For information on further application procedures regarding the PhD research positions please check www.zef.de (doctoral program).

Please submit your application to:

Dr. Anja Schoeller-Schletter, Center for Development Research, University of Bonn, Walter-Flex-Str. 3, D-53113 Bonn, Germany, e-mail: a.schletter@uni-bonn.de

The Centre of Development Research in Bonn, Germany, together with UNESCO and the two State Universities of Urgench and Tashkent have started a project which focuses on the "Economic and Ecological Restructuring of Land and Water Use in the Region Khorezm". The project involves extensive field research in Uzbekistan. The three main research topics addressed are natural resource management, micro- and macro-economics and political and social change. Headquarters of the project will be in Urgench. For an initial period of three years, the project seeks an:

ASSISTANT PROGRAMME COORDINATOR

Candidates with the Uzbek nationality who ambition to work within such an integrated research project on agricultural and institutional reform in Uzbekistan are invited to apply. Candidates must have a Ph.D., preferable in agricultural science, experience in research management and organisation, proven record of successful coaching and supervising Ph.D. and masters students, competence to work in an interdisciplinary and multinational environment, and ability to teach at university level. Proficiency in English, Uzbek and Russian is conditional. The successful candidate will be stationed permanently in Urgench.

Applications should submit in English cover letter in addition to a CV, copies of university degrees, and a list of publications when available. Only completed applications will be considered. The deadline of application is March 7, 2002. Candidates will be contacted within 14 days for interviews.

Please submit your complete application OR documents to: **Mr. Barry Lane or Mr. Komiljon Karimov UNESCO Tashkent Office 95 Amir Temur Str., 700084, Tashkent.**

email to: **Dr. John Lamers, Programme Coordinator e-mail: jlamers@uni-bonn.de**

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

УМРНИ УЗАЙТИРАДИГАН МАРКАЗ

Бундан 1000 йил муқаддам буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино ёши улуг кишиларнинг турмуш тарзи, сийҳат-саломатлиги, овқатланиш тартиби, жисмоний машқлар билан шугулланиши, умуман кундалик ҳаётига эътибор қаратиб, замонавий геронтология (кексалик тўғрисидаги фаннинг яратилишига хисса қўшган эди. Сўнгги даврда юз берган демографик ўзгаришлар оқибатида геронтологиянинг ҳам макъеи кўтарилди. XX асрда инсон умри анча узайди.

Кексайган кишилар сонининг тезкорлик билан ўсиши, улар учун ижтимоий ва тиббий таъминотни яхшилаш давлат ва жамиятдан катта эътибор талаб қилади. Статистик маълумотларга қараганда, республикамизда 60 ёшдан ўтган 1 миллион 600 мингдан ортиқ нурунийлар истиқомат қилишади. Президентимиз томонидан 2002 йил Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилинганлиги муносабати билан мазкур масала юзасидан Давлат дастури ишлаб чиқилди.

Бу борада Ибн Сино халқаро жамғармаси ҳам бир қанча тақлифлар билан чиқди. Жамғарма ўз устав вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, буюк бобокалонимизнинг илмий мероси ва ҳозирги замонавий геронтология фани ютуқларини амалда тадбиқ этиш мақсадида «Ибн Сино геронтология маркази»ни ташкил этди. Мутахассис-шифокорлар томонидан нурунийларга бериладиган маслаҳатлар матни тайёрланди. Қарияларни комплекс даволаш мақсадида Маслаҳат маркази — клиника-санаторий масалалари хал этилди.


Марказда халқ табооти ва замонавий геронтология фани ютуқларини қўллашга катта эътибор қаратилмоқда. Геронтология дорихонаси ишлаб турибди. Республикаимиздаги қатор вилоятларда геронтология маркази бўлимларини очиш бўйича ташкилий масалалар ҳал этилди. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти билан олиб борилаётган фаол ҳамкорлик асосида мазкур туманда истиқомат қилаётган нурунийларга бепул маслаҳатлар берилмоқда.

Эртами-кечми, барчамиз кексалик ёшига етмиш. Кексалик даврини соғлом ва бардам ўтказишга эса ёшлиқдан пойдевор қўйиб бориш, албатта, зарур.

Ш.ЭРГАШЕВ, профессор.

МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ мамлакатимиз музейларини қўллаб-қувватлаш, фаолиятини ўзaro мувофиқлаштириш мақсадида «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилган эди.



Жамғарманинг бугунги фаолияти ҳақида унинг раиси **НОЗИМ ҲАБИБУЛЛАЕВ** ЎзА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Жамғарма ташкил этилиши туфайли мамлакатимиздаги музейлар фаолияти атрофида ўрганилди, — дейди Н.Ҳабидуллаев. — Бу эса улар фаолиятини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Утган вақт мобайнида «Ўзбекистон музейлари ишларини ривожлантириш илмий концепцияси» яратилди. Ҳозир музейларимиз ўз иш фаолиятини мазкур концепция асосида қайта жамоамиз томонидан «Мустиқил Ўзбекистон сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, маданият ва маънавий янгилашнинг йўли» мавзудаги экспозициянинг илмий концепцияси ҳам яратилди ва музейларга жўнатилди.

Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимиз Фармонида ҳудудий, илоравий бўйсунушдан ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, музей фаолияти билан шуғулланувчи барча таъкилотлар ишчи мувофиқлаштириш, уларга илмий-ўқувий раҳбарлик қилиш, илмий муассасаларни музейшуносликни ривожлантириш нига фаол иштирок этишга жалб қилиш «Ўзбекмузей» жамғармаси

зиммасига юклатилган. Жамғарма ташкил топмасдан аввал мамлакатимиз музейларининг тарққлиги қўзғатилган. Улар турли бошқарув идораларига бўйсунгани сабабли режалар назорат қилиб чиққан ҳолда тузилди. Ҳозир жамғарма музейларга ҳар томонлама ёрдам бериб, уларда тайёрланаётган илмий альбом ва йўл кўрсаткичларини ўз ҳисобидан нашр эттирмоқда, илмий-методик қўлланмалар ишлаб чиқилмоқда.

Шу кунларда мингдан ортиқ атамани ўз ичига олувчи «Музей терминлари» лугати нашрга тайёрланган. Музейларга аудио, видео ва бошқа техникавий ускуналар таъминоти бўйича бепул ёрдам берилмоқда.

Жамғармаимиз фаолиятининг яна бир жиғати — мустамакчилик даврида юртимиздан олиб кетилган тарихий ёдгорликлар, музей экспонатлари, археологик қазилма топилмаларини мамлакатимизга қайтариш ҳамда улардан халқимизни баҳраманд этишга баҳоли қудрат хисса қўшишдан иборатдир.

Ҳулқар СОДИҚОВА, ЎзА муҳбири.

Россия фирмаси

йигирув ишлаб чиқариши чиқиндис қайта тараш таран диларини юқори нархларда сотиб олади.

Стандарт №15

Тел. (9987)169 39 06 169 70 67

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 25 июлдаги 00124 - рақамли йиқинчилиги асосида фаолият юритиётган

«OSIYO-AUDIT»

аудиторлик компанияси

қуйидаги хизматларни ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

- сифатли аудиторлик текшируви ўтказиш ва ҳулоса бериш;
- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш;
- йил давомида аудиторлик хизмати кўрсатиш;
- консалтинг ва молиявий фаолиятга доир бошқа хизматлар кўрсатиш.

Республиканинг барча вилоятларида компаниянинг шўба корхоналари мавжуд.

АЛОҚА УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ТЕЛЕФОН: 136-11-60.

**Азиз хотин-қизлар,
баҳор байрамингиз муборак бўлсин!**

Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март айёми муносабати билан самимий тилакларимизни қабул қилинг.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва омад ёр бўлсин. Оилавий тинчлик ва осойишталик сизни ҳеч қачон тарк этмасин.

ВИНРОК ИНТЕРНЭШНЛНИНГ «ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН ҲУҚУҚИЙ САВОДҲОНЛИГИ» ЛОЙИҲАСИ.



КЎҲНА ШАҲАРНИНГ ЯНГИ ЖАМОЛИ

Қадим ва ҳамиша навқирон шаҳар — Термиз юбилейига республикамизнинг бир гуруҳ олимлари муносиб соғва тайёрлашди. У «Термиз буюк йўллар чорраҳасидаги кўҳна ва янги шаҳар» («Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001 йил) деб номланган альбом-китобдир.

Маълумки, бир неча йиллардан бунён эски Термиз харобаларида «Ўзбекистон-Германия», «Ўзбекистон-Япония» каби кўшма археологик экспедициялар фаолият кўрсатиб келмоқда. Альбомдан ана шу илмий изланишлар натижасида топилган осори-атиқалар тасвири ўрин олган.

Жарқўтон шахристонидан топилган милоддан аввалги XV-X асрлар жез даврига оид муҳр, жез ва сопол қадаҳлар тасвири, Фаёзтепа Будда ибодатхонасидаги Будданинг мурдалари билан оҳак нақшли тасвир, I-II асрларга оид «Деват боши», «Шаҳзоданинг боши» суратлари (Далварзинтепа ибодатхонасидан топилган), Айртом шахристонига тааллуқли эркак ва аёл ҳайкаллари парчаси, XI-XII асрлардан дарак берувчи «Термиз шохлар саройи. Гангча ишланган нақш» тасвири рағли суратларда берилган.

Қадимки архитектура ёлгорликлари саналимиш мажмуотлар: Пайғамбароролдаги X-XI асрларга мансуб қадимий ёлгорлик, XI-XVII асрларга оид ал-Ҳаким ат-Термизий мажмуоти, Кокилдорота хонақоҳи кўринишлари ҳам альбомдан ўрин олган.

Альбомда Термизнинг қадимги ва бугунги тарихи ҳақида мухтасар маълумотлар бор. Альбом-китоб расмлардан ташқари «Муқаддима», «Тарихий ўтмиш», «Моддий ва маънавий маданият», «Термиз муқтадлик йилларида», «Тарихнавислик», «Хулоса» ва «Илова» қисмларидан ҳам иборат.

Жамолидин Мирзаевнинг «Термиз саййидлари» мақола-сида Термиз тарихида муҳим ўрин тутган саййидларнинг мусулмон оламидаги роли ва нуфузи ҳақида маълумотлар берилди. Уларнинг Сомониийлар, Газнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Амир Темур ва Темурийлар салтанатида катта мавқега эга бўлганини алоҳида таъкидланди.

«Кўҳна шаҳарнинг янги йўли» мақола-сида филология фанлари доктори, ТерДУ профессори Қудрат Жураев томонидан ёзилган. Унда мустақилликдан сўнг шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий соҳада тораб юксалиб бораётганини энг сўнгги маълумотлар асосида ёритиб берилди. Жумладан, инвестиция дастурининг муваффақиятли бажарилиши, жаҳон андозаларига

Халқим, аждодинг изи мозиининг қат-қатида, Мен уни кўрапман Шўмрнинг лой хатида, Сервяқор номинг бугун миллатлар рўйхатида, Обидаларинг ёди ЮНЕСКО тўйхатида. Шафоат ТЕРМИЗИЙ.

МЕҲР ОҒУШИДА

Қарияларни қадрлаш йилида Қува тумани ҳокимлиги савобли ишга қўл урди. Ҳокимлик ихтиёридаги меҳмонхона ва оромгоҳ тумандаги нурунийлар тасарруфига ўтказилди. Бир гектарлик бог ҳам Мусаҷон Шербўтаев номидаги «Меҳр-муруват» маркази мулкига айлантирилди. Оромгоҳда сауна мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда умргузаронлик қилаётган 20 нафардан зиёд отахон ва онахонлар мунтазам тиббий кўриқдан ўтказилади. Ҳомий ташкилотлар қарияларнинг кўнглига маҳкам бўлиб, улардан ёрдам ва савобларини аямаяптилар.

СУРАТДА: «Меҳр-муруват» маркази ҳайтидан бир лаҳза.



Тоҳирҷон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ташаббус сўнмасин!

ТАБИАТ ҲОМИЙЛАРИ

Яқинда «Нуруний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтган эди. Анжумандан сўнг «Нуруний» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими раиси Жалол Муҳаммадиев ҳузурига экинчи ардоқли оқсоқолларидан бири, уруш ва меҳнат фахрийси Тулибой оға Шербеккири кириб келди.

— Анжуман жуда яхши ўтди, — деди у. — Энг муҳими, ҳукуматимизнинг бизга бўлган эътибори тобора кучаймоқда. Тўғриси айтсам, кечаси бир нарсани айтиб алламаҳалгача уйқум келмади...

— Ҳуш, — диққат билан қўлоқ тутди Жалол оға. — Ҳурматли Президентимиз жорий йили қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилди. Бизда ҳаминша ёши улуғлар ҳурмат кўриб келган. Лекин ўша давлатдан сўнг бу йўналишдаги ишлар мисли

қўрилмаган миқдос касб этди. Энди халқимизда «Қарс икки қўлдан чиқад» деган гап бор. Биз ана шу эътиборга, ана шу раҳматликка нима билан жавоб беришимиз мумкин?

— Жуда уринли гап. Бироқ шу саволга жавоб ҳам топа олдингизми?

— Топдим. Мана, атроф-муҳит муҳофазасини олиб кўринг. Биз Орол денгизини сувга тўдириш буйича бирор илмий-техникавий гоғни илгари сура олмасак ҳам ёшлар орасида табиатни асраш, бог-роғларни кўпайтириш буйича тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришимиз қийин эмас-ку. Узингиз ўттиз йил вазира лавозимида ишлагингиз. Ана, Мусирен Кинбоевич Вазиралар Кенгаши раисига муовин, Ережел Айтмуратович кўп йил раҳбар бўлди. Мен ҳам бир қатор лавозимларда ишладим. Уша тажрибаларимизни ишга солсак бўлмайми?

— Маъқул. Жуда маъқул. Шу пайтгача жамғармининг

шаҳар ва туманларда 17 та бўлими бор эди. Ун саккизинчи бўлимининг «Эко-сан» жамғармаси қошида очамиз. Аммо бўлим ишларини ҳуқуқий томондан қоллига солиб турадиган бир одам ҳам бўлса ёмон бўлмас эди!

— Шундай одам бор. Нурулло Абдуллаев эсимизни билганимиздан бери адлия вазирига ўринбосар бўлиб ишлаган. Яна Михаил Васильевич Беловни олсак бўлади!

Хуллас, Халқаро «Эко-сан» жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими ҳузурида «Нуруний» гуруҳи иш бошлади. Улар кўкчам мавсумида Қорақалпоғистонда боглар сонини кўпайтириш, оқар сувдан тежаб-тертаб фойдаланиш, атроф-муҳит озодлигини таъминлаш юзасидан муайян ташаббус билан чиқдилар. Бу ташаббус куртаги барг ёзиб, гулу мевага айланиши аниқ!

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Спорт

Бухорода юнорум кураши бўйича еттинчи аънавий турнир ўтказилди. Унда вилотнинг 100 нафарга яқин полвони гиламга тушди.

ПОЛВОНЛАР КЎР ТИҚДИ

Кизгин ва мурасиз ўтган баҳсларда Бухоро шахридан Феруз Шодиев, Хуруш Аббосов, Хурушид Тошев, Раҳим Ҳақбердиев, Шаҳоб Шарипов, Фани Отабоев, Бобир Ҳайитов, вобектлик Илҳом Пўлатов, Бехруз Расулов, Жасур Камбаров, Отабек Муҳиддинов ҳамда ромитанлик Алим Холиқов ўз вази тоифаси бўйича шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Илҳом САФАР, Ўза муҳбири.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиралар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
- Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89; 132-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 132-12-08;
- Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 294, 38254 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида термиди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Н. ТОШЕВ. Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ. Мусаҳҳих — Ш. МАШРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириди — 21.15. 1 2 3 4 5 6

DAEWOO UNITEL КАМОЛОТ САРИ

Хонимлар ва жаноблар!

Баҳор байрамлари — Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўз айёми муносабати билан Daewoo Unitel компанияси ҳавола этади

УЛАНИШ БЕПУЛ

ҳамда биринчи 1000 мижозга SIM КАРТА учун 50% ЧЕГИРМА

ЯНГИ! КОМФОРТ "КОМФОРТ" хизмат кўрсатиш пакети АБОНЕНТ ТЎЛОВИСИЗ !!!

For your satisfaction only!

Бош офис: Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 1. Телефон: 185-00-22 ёки *22 - савдо бўлими. "intercontinental" меҳмонхонасидаги филиал: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107-а. Телефон: 185-09-80. Компаниянинг вилоятлардаги офислари: Ферғана: 24-10-31, Кўҳн: 2-33-30 Наманган: 4-22-02, Андижон: 53-33-30 Бухоро: 223-05-36, Самарқанд: 33-09-06

САВОЛ БИЗДАН...

Мақсади ривожлантирган мамаакатларнинг саноатини тараққий эттиришга кўмаклашидан иборат бўлган БМТ иттиҳослашган муассасаси нима, деб аталади?

Ўтган сондаги саволининг жавоби: консенсус.



«Пахта Банк» акциядорлари диққатига! Акциядорлик Тижорат «Пахта Банк»

Ўз акциядорларининг навбатдаги йиллик ўмумий ҳисобот йиғилишини ўтказди.

- КУН ТАРТИБИ:
1. АТ «Пахта Банк»нинг 2001 молия йилидаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботи ва банк фаолиятининг 2002 йилги асосий йўналишлари тўғрисида.
 2. Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш.
 3. АТ «Пахта Банк» тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
 4. АТ «Пахта Банк» низомига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.
 5. АТ «Пахта Банк» ташқи аудиторини тасдиқлаш.

Йиғилиш 2002 йил 6 апрель куни соат 10.00да Тошкент шаҳри, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй (Ўзбекистон Республикаси Молиявий хизматлар банклараро маркази биноси)да ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2002 йил 6 апрель куни соат 8.30дан 9.45гача давом этади.

Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 173-25-51, 120-88-17, 78-10-94.

АТ «Пахта Банк» манзили: Тошкент шаҳри, Муқимий қўча, 43-ўй.

«Пахта Банк» кенгаши.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси янги грек ва лотин тили кафедраси катта ўқитувачиси Ф. Қосимовга онаси Милана ҚОСИМОВАнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси ходими Сайдухтор Абборова волидаси Рафиқа ая ИҲЛОШЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.